

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА А Х Б О Р О Т

**2012 йил 20 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан шу йил 19 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.**

Қайд этилдики, 2012 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари изчил ва амалга оширилиши, жаҳон иқтисодиётида давом этаётган инқирозли ҳодисаларнинг оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўрилиши туфайли Ўзбекистонда иқтисодиёт ўсишининг юқори ва барқарор суръатлари ҳамда макроиқтисодий барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми – 6,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми – 6,1 фоизга, қурилишлари ҳажми – 6,6 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Ички талабни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,4 фоизга, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми – 19,4 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 11 фоизга ва хизматлар ҳажми – 12,5 фоизга ўсишига кўмаклашди. Ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳаси улуши бир йил олдинги 48,5 фоизга нисбатан 52,1 фоизгача ўсди.

Оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, ёш оилаларни ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, шу асосда ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва ҳаёт даражаси ўсишини таъминлашга, шунингдек, жисмоний соғлом, маънавий етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга йўналтирилган «Мустаҳкам оила йили» Давлат да-

стури тадбирларини фаол амалга ошириш бошланди.

Кўрилатган чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 4,4 фоизга ўсиши таъминланганлиги қайд этилди. 127 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари томонидан устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан фаол чора-тадбирлар кўрилишининг муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг кенг қўшимча имтиёзлар ва преференциялар берилган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Ангрен» маҳсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги фармонларини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни таъминлаш зарур бўлади.

Республикада ташкил этилган имтиёзлар ва преференцияларнинг комплекс тизими, жаҳон бозорларида кузатилаётган конъюнктуранинг анча тебранишига қарамай, охириги 5 йилда экспорт ҳажмини деярли 1,7 баравар оширишни таъминлаш имконини берган.

Шунингдек, шу асосда тайёр маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини, биринчи навбатда Ўзбекистон миллий автомагистрალი участкаларида қуриш ва таъмирлаш ишларини жадаллаштириш, шунингдек, уларнинг сифати устидан назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар

ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси ва «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки раҳбарларига жорий йилда фойдаланишга топширилиши назарда тутилган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича янги 8510 та уй-жой қуришни жадаллаштириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Давлат бошқаруви тизимида, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрловчи таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда республикада ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий этиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга оширилиши ҳар томонлама ва батафсил кўриб чиқилди. Тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йил бошидан республикада 234 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилганлиги, улардан 153 мингтадан ортиғи ёки 65 фоизга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилганлиги қайд этилди.

Муҳокама давомида корхоналар ва касб-хунар коллежлари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатиши, жорий йилнинг 500 мингтадан ортиқ коллеж битирувчиларини уларнинг бўлажак иш жойларида ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун аниқ корхоналарга бириктириш бўйича ишларнинг ҳолатини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎЗА ахбороти асосида тайёрланди.**

#### Қонунчиликдаги янгиликлар



### ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



### ЗЎРАВОНЛИК ТАРҒИБ ҚИЛИНИШИ ВА БЕҲАЁ ТАСВИРЛАР ТАРҚАТИЛИШИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ

**12.04.2012 йилдаги ЎРҚ-324-сон Қонун билан порнографик маҳсулотни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ва ҳуқуқбузарликлар учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик чоралари қатъийлашди.** Энди порнографик маҳсулотни нафақат тайёрлаш, тарқатиш ва намойиш этиш, балки уни олиб кириш ва реклама қилиш ҳам таъқиб қилинади (бундан олдин Жиноят кодекси билан намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида порнографик нарсаларни тайёрлаш, шунингдек уларни 21 ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш, улар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, таъқиб қилинган).

Ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ушбу ҳаракатлар олдин назарда тутилган жазо чораларидан (ахлоқ тузатиш ишлари ва жарима) ташқари **6 ойгача** қамоқ билан ҳам жазоланади. Ўша ҳаракатлар: такроран ёки хавfli рецидивист томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, **3 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки республика ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижроси сифатида жалб қилишга нисбатан энг қатъий чора – **3 йилдан 5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш қўлланилади.

Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимчаларга мувофиқ, бундай ҳуқуқбузарликлар порнографик маҳсулотни, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни, шунингдек уларни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг **50 бараваридан 100 бараваригача**, мансабдор шахсларга эса **100 бараваридан 150 бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, улар ЭКИХнинг **400 бараваридан 600 бараваригача** миқдорда жарима ёки **3 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд **6 ойгача** қамоқ билан жазоланади. Ўша ҳаракатлар такроран ёки хавfli рецидивист томонидан ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, **3 йилгача** озодликдан маҳрум қилишга олиб келади.

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ

1-бетда

## СУҒУРТА БРОКЕРЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ КЎПАЙДИ

11.04.2012 йилдаги ЎРҚ-323-сон Қонун билан «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунга (5.04.2002 йилдаги 358-II-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари мажбуриятларининг рўйхати кенгайтирилди. Энди улар қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этишлари, шунингдек фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва (ёки) жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақда махсус ваколатли давлат органини ва суғурталанувчиларни хабардор қилишлари шарт.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритишлари, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузишлари шарт. Суғурта ҳодисаси рўй беришининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта пули) миқдорини аниқлаш учун аджастер сўраш ва олиш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органилари белгиланган. Уларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар кирди.

«Актуар ташкилот» ва «актуарий» ташкилотлари аниқлаштирилди.

Суғурталовчиларнинг зиммасига тузилган суғурта шартномалари тўғрисидаги маълумотларни кредит бюрларига тақдим этишни юклайдиган қўшимчалар киритилди. Шунингдек суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, суғурта қилдирувчиларнинг ва суғурталанган шахсларнинг соғлиғи, суғурталанган мол-мулк, суғурта пули, банк ҳисобварақлари мавжудлиги, ушбу ҳисобварақлардаги пул қолдиқлари ва пул ҳаракати ҳақидаги маълумотлар тўғрисидаги маълумотномаларни ундирувчи суғурта қилдирувчининг мол-мулкига қаратиш ёки суғурта қилдирувчининг мол-мулкини хатлаш ҳақидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлган тақдирда, суд ижрочиларига тақдим этиш талаби жорий қилинган.

Ўзбекистон ҳудудида чет эл суғурта ташкилотлари томонидан суғурта амалга оширилиши тақиқланди (бундан олдин чет эл суғурта ташкилотлари қайта суғурта қилишни, шунингдек республика ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган транспорт воситалари ва бошқа ўзию-рар машиналар ҳамда механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни суғурталовчилар ва суғурта воситачилари – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари орқали шартнома

тузиш йўли билан амалга оширишга ҳақли эдилар).

## ЙЎЛЛАР ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 9.04.2012 йилдаги 103-сон қарори билан умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятдаги ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлашнинг устувор йўналишлари ва участкалари белгиланиб, 2012 йил учун тегишли дастурлар тасдиқланди.

Йўл-таъмирлаш ишларини лойиҳалаштириш билан бир вақтда олиб бориш қатъиян ман қилинди. Ушбу ишлар фақатгина лойиҳалаштириш-смета ҳужжатларига мувофиқ нуқсонлар қайдномаси ва харажатлар сметаси асосида олиб борилиши керак.

Халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари мукамал ва ўрта таъмирлашнинг 2012 йилги дастурига биноан Тошкент ш. – Қўқон ш. – Андижон ш. йўналишидаги 159-160 км участкаси (Қамчиқ ва Резак туннеллари, цемент ётқизиш, сув қочириш, иситиш ва бошқа муҳандислик коммуникация тизимлари) (Наманган вилояти), Қўқон шаҳридаги Навоий кўчаси участкаси (Фарғона вилояти), Тош-



кент вилоятидаги 806-815 км йўллар ва бошқа участкалардаги йўллар мукамал таъмирланади. Тошкент ш. – Чиноз ш. – Гулистон ш. йўналишидаги 28-41 км участка (Тошкент вилояти) Самарқанд ш. – Бухоро ш. – Туркманбоши ш. йўналишида 280-289 км участка (Бухоро вилояти), Тошкент ҳалқа йўли – 9-32 км участка (суғориш тизими қурилмаси, Тошкент вилояти) ва бошқа йўллар ўрта таъмирдан чиқарилади.

## КРЕДИТ БЮРОЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ШАРТ

10.04.2012 йилдаги ЎРҚ-321-сон Қонунга биноан «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонун билан мувофиқлаштириш мақсадида кредит бюрлари томонидан уларга юкланган вазифаларни амалга оширишга доир бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилди.

Қонунчи, «Ўзбекистон Республика-



сининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга кредит бюрлари фаолиятини лицензиялаш ва уни тартибга солиш ҳуқуқини Марказий банкка бериш ҳақида қўшимча киритилди.

Юридик ва jisмоний шахсларнинг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган ахборот кредит бюрлари томонидан олиниши имконини тартибга солиш мақсадида:

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга – банклар кредит ахборотини кредит бюрларига кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги шартнома асосида тақдим этиш мажбурияти;

«Нотариат тўғрисида»ги Қонунга – кредит бюросига унинг сўровига кўра битим предмети бўлган объектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) тақдим этиш ҳақида;

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунга – кредит бюрларининг сўровига кўра солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш маълумотлари, шунингдек уларнинг молиявий ҳисоботлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш ҳақида;

«Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонунга – кредит бюрларига молия истеъмол кредити бериш шартномаси ва унинг қарз олувчи томонидан бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар бериш ҳақидаги қўшимчалар киритилди.

«Банк сирини тўғрисида»ги Қонунга киритилган қўшимчаларга биноан, кредит ахборотини белгиланган тартибда кредит бюрларига тақдим этиш банк сирининг бузилиши деб ҳисобланмайди.

Шунингдек кредит бюрларининг фаолияти амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларига киритилган.

## АРХИВЛАР ИШИ ПУХТА БЎЛИШИ УЧУН

«Архив иши тўғрисида»ги Қонун талабларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 5.04.2012 йилдаги 101-сон қарори билан 6 низом тасдиқланди.

• **Архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом** давлат, нодавлат архивларига, шунингдек идоравий архивларга татбиқ этилади. Мазкур Низом ар-

хив ҳужжатларини жамлаш, уларнинг ҳисобини юритиш, бут сақланишини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

• **Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди Давлат каталоги тўғрисида низом** архив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритилган архив фондларининг марказлаштирилган давлат ҳисобини юритишнинг ягона тартибини, шунингдек Давлат каталогининг мақсад ва вазифаларини, уни юритиш ва ундан архив фондини чиқариш тартибини белгилайди.

• **Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисида низомда** уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ягона тартиби белгиланган.

Ҳужжат билан архивларнинг асосий вазифалари белгиланган.

Архивлар фаолияти доирасига улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш ва архив иши учун хос бўлмаган бошқа шу ўхшаш хизматлар (ишларнинг) киритилишига йўл қўйилмайди.

• **Архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисида низом** билан архивлар ва идоравий архивлар томонидан архив ҳужжатларини жамлаш, сақланишини таъминлаш, қимматлигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш, архив ҳужжатларидан фойдаланиш, зарур ахборотни тақдим этиш бўйича хизматлар, шунингдек амалдаги қонунчилик доирасида бошқа хизматлар кўрсатиш тартиби белгиланган. Низомга мувофиқ, архивлар, шу жумладан идоравий архивлар, ўз таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган фаолият турлари доирасида хизматлар кўрсатади.

**Низомда архивлар бепул** амалга оширадиган хизмат турлари белгиланган.

Пул асосда кўрсатадиган хизматлар нархи Ўзбекистон Республикасининг норматив – ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда «Ўзархив» агентлиги томонидан тасдиқланган архивлар ва идоравий архивлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг нархлари ҳисоб-китоби бўйича услубий тавсияларга биноан белгиланади.

• **Архивлар мутахассисларини Ўзбекистон Республикаси корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳужжатларини тартибга келтиришга компетентлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низом** билан архивлар мутахассисларини аттестациядан ўтказиш тартиби белгиланган.

УШБУ  
СОҒДА:

### ✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

1-бет

### ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
– Дам олишга ҳақлисиз

– Масалани суд тартибида ҳал этинг

1-3-бетлар

### ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Декрет... яна декрет  
– Ким тўлиқ моддий жавобгар бўлади?  
– Ҳаммасини директор ҳал қилади  
– Ҳомиладор аёлни ишдан бўшатиш мумкинми?

4-бет

### ✓ ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

– Улушга киритиш

5-бет

### ✓ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

– Имтиёзли шартлардаги ёшга доир пенсия

6-7-бетлар

### ✓ КЎП БИЛГАН – КАМ БЎЛМАЙДИ

– Эгизак автомобиллар

8-бет

## ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ЎЗБЕКИСТОН КАРТАСИДА «АНГРЕН» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИ ПАЙДО БЎЛДИ

Президентнинг 13.04.2012 йилдаги ПФ-4336-сон Фармони билан юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Тошкент вилоятида «Ангрен» махсус индустриал зонаси барпо этилди.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси (МИЗ)нинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат келинчалик узайтирилиши мумкин.

«Ангрен» МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудига махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади.

Зона қатнашчилари:

юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида «Ангрен» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланadиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар учун бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади.

Корхоналарга «Ангрен» МИЗ қатнашчиси мақомини бериш, ишламаётган корхоналарни ва давлат эгалигидаги мол-мулкни «Ангрен» МИЗ қатнашчиларига нолга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, шунингдек «Ангрен» МИЗнинг самарали фаолият юритишини ташкил қилиш ваколати «Ангрен» махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгашига берилган.

### ЭНЕРГИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛОВЧИНING ЖАВОБГАРЛИГИ

20.04.2012 йилдаги ўРҚ-325-сон Қонун билан Фуқаролик кодексининг электр таъминоти шартномаси бўйича жавобгарлик тўғрисидаги 477-моддасига ўзгартиришлар киритилди. Уларга мувофиқ, энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот шу туфайли етказилган зарарнинг, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

### РЕЦЕПТСИЗ НИМАНИ СОТИШ МУМКИН?

Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 28.03.2012 йилда 2353-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг янги рўйхати тасдиқланди. Янги рўйхат 1344 номдаги дори воситаларини ўз ичига олади (олдин амалда бўлган рўйхатда 1315 ном мавжуд эди). Рўйхатдан 90 дан ортиқ дори воситалари, шу жумладан гексорал, герновир, глицирам, грипом, дермовейт, диметилсульфоксид, дипана, ибуклин, кальцинона, каргрип, катарин, клиселин экстра, колдремас, лепенефрил, линолакт, марифлам, мульти ревив, мульти-табс беби, найз, ниттифор, панкрим, релиф аванс, реналка, септекс, скипидарная мазь, танакан, терапин, флюкозал, форкал, цетиринакс, эвитол, юнифлам ва бошқалар чиқариб ташланган. Унга 119 номдаги воситалар, шу жумладан аброл, бековит, вируснет, алора ва бошқалар қўшимча киритилган.

Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 1 июндаги 156-сон бйруғи ўз кучини йўқотиши муносабати билан илгари амал қилган рўйхат ўз кучини йўқотди.

2012 йил 28 мартдан

**20 апрелгача бўлган даврда қабул қилинган ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини эксперт-юристимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.**

### Кадрлар бўлими

## ДАМ ОЛИШГА ҲАҚЛИСИЗ

**Мен таътилдалигимда кадрлар бўлимининг бошлиғи қўнғироқ қилиб, рақбарнинг талабига кўра ишга чиқишим кераклигини хабар қилди. Таътилдан менинг розилигимсиз чақариб олишаётган бўлишса, нима қилиш керак?**

С.Бекмуродов.

– Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 147-моддасида ходимни меҳнат таътилидан у ёки бу ишлаб чиқариш эҳтиёжларига кўра чақариб олиш мумкинлиги назарда тутилган. Бироқ ходимни чақариб олиш учун унинг розилигини олиш лозим. Ўз навбатида **ходим таътил тугагунга қадар ишга чиқишдан бош тортишга ҳақли**, бундай бош тортишга (сабабидан қатъи назар) меҳнат интизомини бузиш сифатида қараш мумкин эмас. Тегишинча, унга бирор-бир интизомий жазо турини қўллаш мумкин эмас (МКнинг 181-моддаси).

Агар ходим ишга муддатдан аввал чиқишга рози бўлса, келишмовчиликлар ва ихтилофларнинг олдини олиш учун бундай розиликни ёзма равишда расмийлаштириш керак.

Таътилдан чақариб олиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади, унда ходимни таътилдан чақариб олишга асос, ходимга фойдаланилмаган таътил кунлари учун тегишли компенсация

ушланган ҳолда таътилнинг фойдаланилмаган қисми берилadиган вақт (мазкур иш йили мобайнида ёки кейинги иш йилидаги таътил билан биргаликда) кўрсатилади (МКнинг 147-моддаси).

Бунда МКнинг 143-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилиши керак: таътил ҳар йили, шу таътил берилadиган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим; ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиғи билан таътилнинг 12 иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим; 18 ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни, шунингдек МКнинг 137-моддасида кўрсатилган йиллик қўшимча таътилларни бермаслик тақиқланади.

Ўзага келган вазиятда сизга қонуннинг юқорида баён этилган меъёрларини кўрсатган ҳолда иш берувчи билан келишиб олишингизни тавсия қиламиз.

## МАСАЛАНИ СУД ТАРТИБИДА ҲАЛ ЭТИНГ

**Бюджет ташкилотларида ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари учун давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақани тўлаш туман молия бўлимидаги ваколатига ўтганидан кейин ҳам баъзи молия бўлимидагилар касаллик ва рақаларини Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга (АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган) амал қилмаган ҳолда ҳисобламоқдалар.**

**Масалан, бир ходима таълим муассасаларида асосий ва ўриндошлик бўйича фаолият олиб борган. Ҳомиладорлик ва туғиш таътилларини олган. Асосий иш жойидаги бухгалтерияга ўриндошлик бўйича ойлик иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилган.**

**Туман молия бўлимидагилар ходимага нафақа тўлашда унинг асосий иш жойидаги иш ҳақларини ҳисобга олиб, ўриндошлик жойларидаги иш ҳақларини инобатга олмаганлар. Натижада юқорида қайд этилган Низом талаблари бузилган. Бу масала 1,5 йилдан бери ечимини топа олмаяпти. Бундай вазиятда биз нима қилишимиз керак?**

Ю.Тағоев,

Узун туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси бухгалтери.

– Бу масалага касаба уюшмаси кўмитаси шунча вақтдан бери ечим топа олмаганлиги афсусланарли ҳолдир. Чунки ҳақиқатан ҳам сиз хатингизда кўрсатиб ўтган 1136-сон Низом ўз кучини йўқотмаган. Мазкур Низомнинг 117-бандида «Нафақаларни нотўғри ҳисоблаш ва белгилаш ҳамда тўлаш устидан шикоят туман, шаҳар судига берилиши мумкин» деб белгилаб қўйилганлигини инобатга олиб, бу масалага ойдинлик киритишингиз мумкин.

Абдусалом РИСКҲУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.

### Реклама

#### «HOMBUR-AUDIT» МЧЖ

ЎЗР МВнинг 25.10.2009 йилдаги 00614-сон лицензияси

**давлат улуши 50% бўлган барча  
ҳўжалик юритувчи субъектларда  
Миллий ва Халқаро аудит  
стандартларига мувофиқ  
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ**

Барча малакали хизматларни кўрсатамиз  
Аудиторлик компанияси 5 та САР халқаро  
сертификати, шу жумладан солиқ маслаҳатчиларига эга

Манзил: Қарши ш., Ўзбекистон кўч., 49  
Тел.: (8 375) 221 0586, (+99875) 112 0571

Филiaalлар:  
Нукус ш., А.Темур кўч., 120  
Тел.: (8361) 222 7803, (+99861) 354 7571  
Қўмқўрган ш., А.Навоий кўч., 28  
Тел.: (+99876) 399 5330, 243 3560

### Эълонлар

#### РЕАЛИЗАЦИЯ

Совуткич камера 3600м³\*. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000 сўм).  
Тел.: 926-32-23, 451-85-00.

Тошкентдаги омордан компьютерлар ва ташкилий техника. Нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан\*. Тел.: 126-20-17, 215-61-11.

#### БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Баҳолаш ва бизнес-режалар\*. Тел. 430-56-00.

#### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Юрист\*  
Тел. (+99897) 800-47-33.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр\*.  
Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш\*.  
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

#### ХИЗМАТЛАР

Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Windows

ўрнатиш. Тел. 726-52-33.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.  
Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

Вирусга қарши ҳимоя. Пул ўтказиш йўли билан ҳам.  
Тел.: 392-63-42, 987-57-67.

Исталган компьютер тармоқларини созлаш. Пул ўтказиш йўли билан ҳам.  
Тел.: 392-63-42, 987-57-67.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.  
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Компьютерга тез ёрдам. Пул ўтказиш йўли билан ҳам.  
Тел.: 392-63-42, 987-57-67.

Windows, дастурлар, антивирус. Пул ўтказиш йўли билан ҳам.  
Тел.: 392-63-42, 987-57-67.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Пул ўтказиш йўли билан ҳам. Тел.: 392-63-42, 987-57-67.

\*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

## ДЕКРЕТ... ЯНА ДЕКРЕТ

*Мен болани парваришлаш таътилида бўлган ходимнинг йўқлиги вақтида ишга тушдим. Мен билан шартнома тузилди, меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувлар қайд этилди. 2 ой ишладим.*

*Ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқмоқчиман. Менга шундай таътил бериб, нафақа тўлайдиларми ёки йўқми?*

Комила.

– Ҳа, сиз ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқа оласиз, зеро аёлларга туққунга қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – 70 календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади (Меҳнат кодексининг 233-моддаси, бундан кейин – МК), **башар-**

**ти вақтинча ишда бўлмаган ходим ишга чиқмаса.**

Иш жойи (лавозими) сақланадиган ходим ишда бўлмаган вақтга тузилган меҳнат шартномаси ушбу ходим ишга қайтган кундан бошлаб бекор қилинади (МКнинг 105-моддаси). Агар декрет таътилида бўлган ходима ишга чиқса, бу ҳол сиз билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Бироқ иш берувчининг зиммасига муддати тугаши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор



## ҲОМИЛАДОР АЁЛНИ ИШДАН БЎШАТИШ МУМКИНМИ?

қилинган ҳолларда ҳомиладор аёлларни албатта ишга жойлаштириш мажбурияти юкланади (МКнинг 105-моддаси). Бунда меҳнатга жойлаштириш даврида улар учун иш ҳақи сақланади, бироқ у муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб 3 ойдан ошмаслиги керак (МКнинг 237-моддаси).

**Биз аёлни 3 ойлик синов муддати билан ишга қабул қилдик. Синов белгилашимизга у эътироз билдирмади.**

**Бу вақт ичида у бир қатор хатоларга йўл қўйиб, интизомий тарзда жазоланди. Синов натижаси қониқарсиз бўлганлиги муносабати билан раҳбарият у билан меҳнат муносабатларини бекор қилишга қарор қилди. Бу ҳақда у 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантирилди.**

**Эртаси куни аёл ҳомиладорлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этди.**

**Биз нима қилишимиз мумкин? У билан меҳнат шартномасини бекор қила оламизми?**

Кадрлар бўлими бошлиғи.

## КИМЛАР ТЎЛИҚ МОДДИЙ ЖАВОБГАР БЎЛАДИ?

*Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузиш мумкин бўлган ходимларнинг рўйхатини қаердан олиш мумкин?*

Э.Тошпўлатов.  
Сирдарё вилояти.

– Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартномалар фақат иш берувчи билан муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни бажариш тўғрисида меҳнат шартномаси тузган, хизмат вазифаларига пул ёки товар бойликларига хизмат кўрсатиш қирадиган ходимлар билан тузилади. Ушбу талаб фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган шахсларга татбиқ этилмайди (МКнинг 72, 203-моддалари).

МК 203-моддасининг иккинчи қисмига кўра тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартномалар фақат 18 ёшга тўлган ходимлар билан тузилади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик

ҳақида шартнома тузиладиган **ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномасида белгилаб қўйилади**, агар у тузилмаган бўлса, – **иш берувчи билан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади**. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати ҳам худди шундай тартибда белгиланади (МК 203-моддасининг учинчи қисми).

18 ёшга тўлмаган ходимлар фақат қасддан етказилган зарар учун, алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ёки жиноят содир этиш натижасида етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар (МК 202-моддасининг иккинчи қисми).

Шу тариқа, ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида махсус ёзма шартномани фақат унинг лавозими ёки касби меҳнат вазифаларини ҳисобга олган ҳолда корхонанинг локал ҳужжатларида кўрсатилган тақдирдагина тузиш мумкин.

## ҲАММАСИНИ ДИРЕКТОР ҲАЛ ҚИЛАДИ

*Ходимнинг ишга қабул қилиш тўғрисида аризасида ходим бевосита қабул қилинаётган таркибий бўлинма бошлигининг розилиги тўғрисида резолюция бўлиши керакми? Масалан, бухгалтер-кассир аризасида бош бухгалтернинг розилиги тўғрисида резолюция?*

В.Максимова.

– Умумий қоидага кўра ишга қабул қилиш олдидан суҳбат ўтказилади, бундан мақсад – даъвогар ўзининг касбий ва ишбилармонлик хусусиятларига кўра муайян иш берувчига тўғри келиш-келмаслигини аниқлаш. Суҳбатни одатда ходимларни бошқариш бўлимнинг мутахассиси ўтказди, бироқ унда бўш ўринлар бўлган таркибий бўлинманинг раҳбари ва бошқа мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Суҳбат ўтказиш таомиллари қонун ҳужжатлари билан белги-ланмаган.

Суҳбат натижалари бўйича меҳнат шартномасини тузиш ёки ишга қабул қилишни рад этиш

тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Ишга қабул қилиш МКнинг 82-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ расмийлаштирилади, унга кўра ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига аниқ мувофиқликда чиқарилади.

Меҳнат шартномасини ёзма шаклда тузиш талаби бундай шартномани 2 нусхада тузиш заруратини кўрсатиш билан аниқлаш-

тирилади, уларнинг ҳар бирига тарафлар имзо чекадилар. Меҳнат шартномасининг бир нусхаси ходимга берилади, иккинчи нусхаси иш берувчида сақланади. Ходим томонидан меҳнат шартномаси нусхасининг олиниши меҳнат шартномасининг иш берувчида сақланадиган нусхасида ходимнинг шахсий имзоси билан тасдиқланиши керак (МКнинг 74-моддаси).

Шу тариқа, юқорида саналган меъёрларнинг мазмунини қонун ҳужжатларида ишга қабул қилиш чоғида таркибий бўлинма бошлигининг резолюцияси қўйилган ариза талаб қилинмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

– Йўқ, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга эмассиз.

МК 84-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ белгиланишича, **ҳомиладор аёллар**, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар (ушбу қоида ўзининг болалари бўлган ҳамда болани фарзандликка олган аёлларга тааллуқлидир), корхона учун белгиланган энг кам иш ўринлари сони (квота) ҳисобидан ишга юборилган шахслар **ишга қабул қилинганда**, шунингдек 6 ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда **дастлабки синов белгиланмайди**.

Энди иш берувчи аёлни ишга қабул қилган ва унга синов муддати белгилагандан кейингина ҳомиладорлиги маълум бўлганда қандай йўл тутиши кераклигини кўриб чиқамиз.

Даставвал МК 84 ва 237-моддаларининг талабларига риоя этиш учун ушбу муддатни бекор қилиш лозим.

Дастлабки синовни ўташ меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозимлиги (МК 84-моддасининг иккинчи қисми) боис уни бекор қилиш ҳам ҳужжатда қайд этилиши керак. Бунинг учун иш берувчи ходима ҳомиладорлигини тасдиқлайдиган маълумотнома тақдим этган кундан бошлаб синов муддатини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Бундан ташқари, меҳнат шартномасига қўшимча битим расмийлаштирилиши зарур. Унда меҳнат шартномасининг синов шарти қайд этилган банди қўшимча битим имзоланган пайтдан бошлаб ҳақиқий

эмас деб эътироф этилишини кўрсатиш керак.

Қисқаси, ҳомиладор аёл билан меҳнат муносабатларини унинг малакаси етарли бўлмаганлиги туфайли бажараётган ишига нолайиклиги (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди) ёки унинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги учун (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди) бекор қилиш мумкинми?

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари истисно тарзида иш берувчига ҳомиладор ва 3 ёшгача болалари бўлган аёллар билан **меҳнат муносабатларини ташкилот тўлиқ тугатилган** (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди) ва меҳнат шартномасининг муддати тугаган **тақдирда** (МКнинг 105-моддаси) **бекор қилиш** имконини беради. Бу қоида МКнинг 237-моддаси билан белгиланган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, агар ҳомиладор аёл меҳнат **интизомини бузса**, унга **нисбатан интизомий жазо ва бошқа таъсир чораларини (масалан, мукофотдан маҳрум қилиш) қўллаш мумкин**, бундан иш берувчининг **ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш** (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2 ва 4-бандлари) мустаснодир.

Иш берувчиларга шуни эслатиб ўтиш лозимки, иш ҳажмини бажариш ҳақида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни тузиш чоғида юқорида кўрсатилган оқибатлар (контрагентнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномага кўра ҳомиладорлиги оқибатлари) юзага келмайди.

### **УЛУШНИ СОТИШГА (УЧИНЧИ ШАХСЛАР ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШГА) УСТАВ ЧЕКЛОВЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

Устав фондидаги улушлар сотилишини (улушларга доир ҳуқуқлардан учинчи шахслар фойдасига воз кечишни) тартибга соладиган қонун ҳужжатларининг диспозитив меъёрлари қандай акс эттирилганлигини аниқлаш учун жамиятнинг таъсис ҳужжатларини эътибор билан ўрганиш керак. Эътибор бериш керак бўлган биринчи жиҳат – уставда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон, бундан кейин – МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 20-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларнинг мавжудлиги. Унга мувофиқ жамият иштирокчилари ҳисобланмаган шахсларга улушни сотишга (улушга доир ҳуқуқлардан учинчи шахслар фойдасига воз кечишга), фақат агар бу жамият устави билан тўғридан-тўғри тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади. Агар тақиқ мавжуд бўлса, уни уставга тегишли ўзгартиришлар киритилганидан кейингина сотиш мумкин.

Битим тузаётганда **жамият иштирокчилари улушни харид қилишда имтиёзли ҳуқуққа эгаллигини** унутмаслик керак. Бундай ҳуқуқ жамиятнинг ўзида ҳам, агар бу унинг уставида қайд этилган бўлса, бўлиши мумкин. Мазкур ҳуқуқнинг берилишидан мақсад – жамиятда манфаатлар тенглигини сақлаш ва бизнесда чет кишиларнинг иштирок этишига йўл қўймаслик.

Сотувчи жамиятнинг барча иштирокчиларига улушнинг ташқи харидорга тақлиф этилган шартларида харид қилингани тўғрисидаги офертани юбориши шарт (намунаси [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида берилган). Сотиш (учинчи шахс фойдасига воз кечиш) истаги тўғрисидаги хабарномада уларга асосланиб шартнома тузиш режалаштириладиган муҳим шартлар бўлиши керак. МЧЖ тўғрисидаги Қонунда жамият иштирокчиларига мазкур тақлифни йўлаб кўришга бутун бир ой берилади (бу муддат жамият устави билан кўпайтирилиши ҳам, камайрилиши ҳам мумкин). Харид қилиш хоҳиши ёзма равишда ифодаланиши ва сотувчига кўрсатилган муддат тугашига қадар юборилиши керак. Агар бир неча иштирокчи улушни харид қилиш хоҳишини билдирса, уларнинг ҳар бири билан шартнома тузилади. Бунда улуш тарафлар ўртасидаги келишувга кўра улар ўртасида бўлинади. Харидга доир имтиёзли ҳуқуқдан учинчи шахслар фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди. Жамият уставида улушларни сотиш чоғида уларни тақсимлашнинг бошқа тартиби ҳам назарда тутилиши мумкин. Агар уставда жамият харидда иштирокчилар билан тенг даражада имтиёзли ҳуқуққа эгаллиги ёзиб қўйилган бўлса, оферта унинг номига ҳам йўналтирилиши керак.

Улуш (улушнинг бир қисми) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи

бузилган ҳолда сотилган тақдирда, жамиятнинг исталган иштирокчиси ва (ёки) жамият, агар жамиятнинг уставида улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият имтиёзли ҳуқуққа эгаллиги назарда тутилган бўлса, бундай бузилишни билган ёхуд уни билиши лозим бўлган пайдан эътиборан 3 ой ичида сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзларига ўтказиши суд тартибиде талаб қилишга ҳақлидирлар (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 20-моддасининг еттинчи қисми). Бунга йўл қўймаслик учун харидор битим тузаётганда сотувчидан унинг юқорида кўрса-

Монополияга қарши давлат органининг олдидан розилиги билан харид қилувчининг аризи-сига асосан қуйидаги битимлар амалга оширилади:

МЧЖнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушнинг кўпи билан 50%ини тасарруф этувчи шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан ушбу жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни олишига нисбатан, бунда ана шу шахс ёки шахслар гуруҳи мазкур улушларнинг 50%идан ортигини тасарруф этиш ҳуқуқини олади;

МЧЖ устав фондидаги улуш-

радиган почта, телеграф, теле-тайп, телефон ёки бошқа алоқа воситасида ҳужжатларни айир-бошлаш йўли билан амалга оширилади. Тўғри, амалда факс орқали олинган ҳужжатнинг келиб чиқишини судда исботлаш мушкул бўлиши мумкин. Электрон рақамли имзони қўлланмасдан e-mail орқали юборилган ҳужжатга ҳам шу гап тааллуқлидир. Ундан фойдаланиш тартиби «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонун (11.12.2003 йилдаги 562-II-сон) билан белгиланади.

шундай хабар берилганидан кейин амалга ошира олади.

### **ТАЪСИС ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ**

Таъсис ҳужжатларининг янги таъхирини тасдиқлаш учун жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини албатта ўтказиш керак. Бу зарурат иштирокчилардан бирининг алмашиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Навбатдан ташқари йиғилишни жамиятнинг ижрочи органи чақиради. Янги иштирокчи ҳам, агар у харид қилган улуш унга жамият иштирокчилари овозлари умумий сонининг камида 1/10 қисмига эга бўлиш ҳуқуқини берса, навбатдан ташқари йиғилиш чақирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда у чақириб талабини ижрочи органга юборади. Уни олган ижрочи орган олинган санадан бошлаб 3 кун мобайнида кўриб чиқиши ва йиғилиш таомилини бошлаши шарт. Агар у бундай қилмаса ёки йиғилиш ўтказишдан бош тортса, устав капиталининг 10%ига эга бўлган иштирокчи (ёки биргаликда 10%га эга бўлган бир неча иштирокчи) таомилни мустақил равишда бошлашга ҳақлидир (МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 32-моддаси).

### **ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ**

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга кўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (Президентнинг 24.05.2006 йилдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган) 33-бандига мувофиқ жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайдан бошлаб бир ой мобайнида уларни рўйхатдан ўтказган органга ўзлари келиб ёки почта алоқаси орқали қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ариза;  
жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси;  
ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг ваколатли шахс томонидан имзоланган ва тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган 2 нусхаси;  
улушнинг ўтишини тасдиқлайдиган ҳужжат (шартнома, хат ва ҳоказо);  
давлат божи белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати.

# УЛУШГА КИРИТИШ

*МЧЖ устав фондидаги улушларнинг олди-сотди (улушга доир ҳуқуқлардан учинчи шахслар фойдасига воз кечиш) шартномаларини тузаётганда иштирокчилар амалдаги қонун ҳужжатларининг айрим меъёрларини ҳисобга олишни «унутадиган» ҳоллар оз эмас, бунинг оқибатида эса низолар ва суд текширишлари юзага келади. Юристар – «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимининг муаллифлари бундай битимларни қандай қилиб тўғри тузиш тўғрисидаги ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.*



тилган талаблар ва таомилларни бажарганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб қилиши керак. Бундай ҳужжатлар бўлиб жамиятдаги қолган барча иштирокчиларнинг ёзма рад этишлари (эркин шаклда), иштирокчиларга улушни сотиб олиш тақлиф қилинган хатлар юборилганлигини тасдиқлайдиган почта квитанциялари (қўйилманинг рўйхати билан бўлса янада яхши) ҳисобланади. Агар харид қилишнинг имтиёзли ҳуқуқи жамиятда ҳам бўлса, унинг ваколатли органининг мазкур ҳуқуқдан фойдаланишдан бош тортиши тўғрисида маълумотлар қайд этилган қарори ёки баённомаси ҳам зарур. Шунинг ёдда тутиш муҳимки, агар **ваколатларни ошириб юборган ҳолда ёки мазкур масала бўйича ваколатли бўлмаган орган томонидан қарор қабул қилинган бўлса, харидор сотиб олинган улушни йўқотиш хатарига учрайди.**

### **УСТАВ ФОНДИНИНГ ШАКЛЛАНГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ**

Жамиятнинг устав капитали тўланган-тўланмаганлигини текшириш зарур. Жамият иштирокчисининг улуши фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 20-моддасининг учинчи қисми). **Устав капиталининг тўланмаган улушлари билан ҳар қандай битимлар ҳақиқий эмас.**

### **БИТИМНИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

Улуш олди-сотдиси «Рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг (6.01.2012 йилдаги ЎРҚ-319-сон) 17-моддаси ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган чекловларга тўғри келиш-келмаслигини аниқлаш лозим.

ларнинг шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан олишига нисбатан, бунда агар ушбу харидгача бундай шахс (шахслар гуруҳи) ана шу жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларнинг камида 50%и ва кўпи билан 2/3 қисмини тасарруф этган бўлса, бундай шахслар (шахслар гуруҳи) кўрсатилган улушларнинг 2/3 қисмидан кўпини тасарруф этиш ҳуқуқини олади.

Агар битим тузиш пайтида охирги календарь йилда активларнинг жами баланс қиймати ёки унда иштирок этувчи шахсларнинг товарларни реализация қилишдан жами тушуми энг кам иш ҳақининг 100 000 барабар миқдоридан ошса ёки битим иштирокчиларидан бири бўлиб устун мавқедаги хўжалик юритувчи субъект ҳисобланса, **кўрсатилган ҳолларда олдиндан розилик олиш шарт.**

Бунда, «Рақобат тўғрисида»ги Қонун 17-моддасининг иккинчи қисмига кўра, **ушбу МЧЖнинг бошқа муассисларидан (иштирокчиларидан) улушлар харид қилувчи (уларнинг ҳажмидан қатъи назар) жисмоний шахсларнинг монополияга қарши органининг олдидан розилигини олишлари шарт эмас.**

Монополияга қарши органининг битимлар содир этишга олдидан розилигини бериш тўғрисида аризани кўриб чиқиш муддати 10 кун деб белгиланган, бироқ уни 1 ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш мумкинлиги назарда тутилган.

### **ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Умумий қоғдага кўра улушнинг ўтиши оддий ёзма шаклда тарафлар ўз имзоларини қўядиган ягона ҳужжатни тузиш ёки ҳужжат айна шартнома тарафи берганлигини қатъиян аниқлаш имконини бе-

Шартномани имзолашдан аввал жамият уставида улушнинг ўтиши тўғрисида тузилган шартномани нотариал тасдиқлаш тўғрисидаги талаб назарда тутилиши-тутилмаслигини текшириш лозим. Акс ҳолда – мазкур шаклга риоя этилмаган тақдирда битим ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

### **ЖАМИЯТНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ**

Улушнинг бошқа шахсга ўтишини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда улуш сотилганлиги (улушга доир ҳуқуқдан учинчи шахслар фойдасига воз кечилганлиги) тўғрисида жамиятнинг ёзма равишда хабардор қилиш керак. Амалиётда буни жамиятнинг ижрочи органига улушнинг олди-сотди (улушга доир ҳуқуқдан учинчи шахслар фойдасига воз кечиш) шартномаси ёки сотувчи (ҳуқуқ эгаси) билан харидор (ҳуқуқни қабул қилувчи) биргаликда имзолаган ва ҳуқуқнинг ўтишини хабар қилдиган бошқа ҳужжатнинг нусхасини имзо чеқдириб топшириш йўли билан қилиш мумкин. Буни шартнома имзоланиши билан дарҳол қилиш керак. Зеро **харид қилувчи унга сотиб олинган улушлар воситасида берилган ҳуқуқларни фақат ана**

### **Реклама**



Электрон маълумотнома тизими

## **КОРХОНА ЮРИСТИ**

**Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:**  
**Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.**  
**Тел./факс: (998 71) 283-23-74.**  
**E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz**

# ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДАГИ

Президентимиз томонидан 2009 йил охирида қабул қилинган «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон пенсия таъминоти соҳасидаги ислоҳот бошланишининг даракчиси эди. Сўнги 2,5 йил ичида пенсия ва меҳнатга оид қонун ҳужжатларига давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган талайгина ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 10 га яқин муҳим ҳужжатлар (низомлар, йўриқномалар) тасдиқланди. 2012 йилда пенсияга оид қонун ҳужжатларига имтиёзли пенсияларни тайинлаш тартибига алоқадор ўзгартиришлар ҳам киритилди.



«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга (3.09.1993 йилдаги 938-XII-сон, бундан кейин – Қонун) мувофиқ умумий тартибда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Меҳнат стажи муддати, шунингдек пенсия ёшига нисбатан талаблар имтиёзли пенсия тайинланганда камайтирилиши мумкин.

## ФУҚАРОЛАРНИНГ КАСБИ ВА ИШИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ПЕНСИЯ ИМТИЁЗЛАРИ

Шахсларнинг тоифаси	Талаб қилинаётган стаж
<b>1. Имтиёз тури – пенсия ёши 1 йилга камайтиради:</b> аёллар – 54 ёшдан (Қонуннинг 12-1-моддаси)	Камида 20 йил*
Аёллар	Камида 20 йил*
*Талаб қилинаётган 20 йиллик иш стажига қуйидагилар қўшиб ҳисобланади: ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса; ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшимчаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш; идоровий бўйсунувдан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қўтқарув қисмларидаги хизмат; якка тартибдаги меҳнат фаолияти, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган тақдирда.	
<b>2. Имтиёз тури – пенсия ёши 2 йилга камайтиради:</b> эркаклар – 58 ёшдан; аёллар – 53 ёшдан (Қонуннинг 14-моддаси)	Камида 25 йил; аёллар – камида 20 йил
Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сон (штати) ёки иш хусусиятини ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар	Эркаклар – камида 25 йил; аёллар – камида 20 йил
<b>3. Имтиёз тури – умумбелгиланган ёш 5 йилга камайтиради:</b> эркаклар – 55 ёшдан; аёллар – 50 ёшдан (Қонуннинг 12-моддаси)	Ушбу тоифадаги шахсларга имтиёзларни қўлаш учун энг кам стаж белгиланмаган (умумий асосларда пенсия тайинлаш учун зарур бўлган 5 йиллик стаж бундан мустасно). Пенсия мурожаат қилинган кун ҳолатига ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳақиқатдаги стажга мутаносиб миқдорда ҳисобланади
Уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар**	Ушбу тоифадаги шахсларга имтиёзларни қўлаш учун энг кам стаж белгиланмаган (умумий асосларда пенсия тайинлаш учун зарур бўлган 5 йиллик стаж бундан мустасно). Пенсия мурожаат қилинган кун ҳолатига ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳақиқатдаги стажга мутаносиб миқдорда ҳисобланади
** Иккинчи жаҳон уруши ва бошқа урушлар даврида ҳаракатдаги армия таркибидаги ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаганда, шунингдек Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар уруш ногиронлари ҳисобланадилар. Уруш ногиронларига тенглаштирилган шахслар Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомининг (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова) 2-илоvasида келтирилган	
Болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни 8 ёшгача тарбиялаган бўлса	Камида 20 йил
<b>4. Имтиёз тури – пенсия ёши 15 йилга камайтиради:</b> эркаклар – 45 ёшдан; аёллар – 40 ёшдан (Қонуннинг 13-моддаси)	Эркаклар – камида 20 йил; аёллар – камида 15 йил
Гипофизар миттилик касалига чалинган шахслар (лилипутлар) ва гавда тузилишида мутаносиблик бузилган паканалар	Эркаклар – камида 20 йил; аёллар – камида 15 йил

## «ПЕНСИЯ ЧЕГИРМАСИ»ГА ДОИР ҲУҚУҚ

Мен пенсия ёшига етдим. Бироқ ҳозирча пенсияга чиқишни хоҳламайман, чунки пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун истагимдаги ўртача ойлик иш ҳақи оладиган 5 тўлиқ йили инобатга олиниши учун яна 8 ой ишлашим керак. Пенсияга берилган мол-мулк бўйича бериладиган солиқ имтиёзи менга ҳозирданоқ татбиқ этиладими? Зеро мен пенсия ёшига етган эмасман.

Ш.Мирзаев.

– Йўқ, сизга солиқ имтиёзи татбиқ этилмайди.

Солиқ кодекси 275-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерларнинг мулкида бўлган мол-мулкга<sup>1</sup> жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи солинмайди. **Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади.**

<sup>1</sup>Мулкида солиқ солинадиган мол-мулк бўлган пенсионерлар учун мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинмайдиган майдон умумий майдоннинг 60 кв.метри миқдорида белгиланади (Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675-сон қарорига 18-иловага изоҳларнинг 2-банди).

## ЭГАЛЛАНГАН ЛАВОЗИМ ВА БАЖАРИЛАДИГАН ИШГА БОҒЛИҚ ПЕНСИЯ ИМТИЁЗЛАРИ

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган<sup>1</sup> қуйидаги рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг алоҳида тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эгалар:

ёшдан қатъи назар пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг **1-сон рўйхати**;

умумий белгиланган ёшдан 10 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг **2-сон рўйхати**;

умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг **3-сон рўйхати**.

22 март куни Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома<sup>2</sup> (бундан кейин – Йўриқнома) кучга кирди. Унинг барча ташкилотларда қўлланилиши мажбурийдир.

Шахслар тоифаси	Талаб қилинадиган стаж
<b>1. Имтиёз тури – ёшдан қатъи назар</b> (Қонуннинг 10-моддаси)	
Тоғ-кон саноати етакчи касбларининг ишчилари (1-сон рўйхатнинг I қисми)	Камида 20 йил
Ер ости ва очиқ тоғ-кон ишларида банд бўлган ходимлар (1-сон рўйхатнинг II қисми)	Камида 25 йил
Учувчи ва синовчи учувчи таркибининг ишчилари (1-сон рўйхатнинг III қисми)	Эркаклар – камида 25 йил; аёллар – камида 20 йил
Соғлиғи (касаллиги)-туфайли учини ишларидан озод ходимлар пенсияга чиқиш ҳуқуқига эркакларда камида 20 йиллик, аёлларда – камида 15 йиллик стаж бўлганда эгалар.	
Театрлар ва бошқа театр-намойиш корхоналарининг айрим тоифадаги артистлари (1-сон рўйхатнинг IV, V ва VI қисмлари)	Бажариладиган иш, касб ва эгалланган лавозимга қараб камида 20, 25 ёки 30 йиллик ижодий иш стажи
Спортчиларнинг алоҳида тоифалари (1-сон рўйхатнинг VII қисми)	Камида 20 йил
<b>2. Имтиёз тури – умумбелгиланган ёш 10 йилга камайтиради:</b> эркаклар – 50 ёшдан; аёллар – 45 ёшдан (Қонуннинг 11-моддаси)	
Тўлиқ иш куни давомида ер ости ишлари, меҳнат шариоити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ишчилар (2-сон рўйхатнинг I қисми)	Эркаклар – камида 20 йил, шундан камида 10 йили – кўрсатиб ўтилган ишларда; аёллар – камида 15 йил, шундан камида 7 йилу 6 ойи – кўрсатиб ўтилган ишларда

Ер ости ишларида 10 йилдан кам стажга эга эркаклар ва 7 йилу 6 ойдан кам стажга эга аёлларнинг ушбу ишларда ишланган ҳар бир тўлиқ йил учун пенсия ёши 1 йилга камайтиради:

Йўриқномага 3-илованиннг биринчи қисми			
Эркаклар		Аёллар	
махсус стаж	ёши	махсус стаж	ёши
1 йил	59 ёш	1 йил	54 ёш
2 йил	58 ёш	2 йил	53 ёш
3 йил	57 ёш	3 йил	52 ёш
4 йил	56 ёш	4 йил	51 ёш
5 йил	55 ёш	5 йил	50 ёш
6 йил	54 ёш	6 йил	49 ёш
7 йил	53 ёш	7 йил	48 ёш
8 йил	52 ёш		
9 йил	51 ёш		

Меҳнат шариоити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда – эркаклар – камида 5 йил, аёллар – камида 3 йилу 9 ой ишлаганда пенсиялар бу ишларда ишланган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга камайтирилиб тайинланади:

Йўриқномага 3-илованиннг иккинчи қисми			
Эркаклар		Аёллар	
махсус стаж	ёши	махсус стаж	ёши
5 йил	55 ёш	3 йилу 9 ой	52 ёш
6 йил	54 ёш	4 йил	51 ёш
7 йил	53 ёш	5 йил	50 ёш
8 йил	52 ёш	6 йил	49 ёш
9 йил	51 ёш	7 йил	48 ёш

Цирклар ва концерт ташкилотлари артистларининг айрим тоифалари (2-сон рўйхатнинг II қисми)

**3. Имтиёз тури – умумбелгиланган ёш 5 йилга камайтиради:**  
эркаклар – 55 ёшдан; аёллар – 50 ёшдан (Қонуннинг 12-моддаси)

Меҳнат шариоити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ишчилар (3-сон рўйхатнинг I қисми)

Эркаклар – камида 25 йил, шундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларда;  
аёллар – камида 20 йил, шундан камида 10 йил кўрсатиб ўтилган ишларда

Меҳнат шариоити зарарли ва оғир ишларда – эркаклар – камида 6 йилу 3 ой, аёллар – камида 5 йил ишлаганда пенсиялар бу ишларда эркаклар ишлаган ҳар 2 йилу 6 ой ва аёллар ишлаган ҳар 2 йил учун 1 йилга камайтирилиб тайинланади:

Йўриқномага 3-илованиннг учинчи қисми			
Эркаклар		Аёллар	
махсус стаж	ёши	махсус стаж	ёши
6 йилу 3 ой	58 ёш	5 йил	53 ёш
7 йилу 6 ой	57 ёш	6 йил	52 ёш
10 йил	56 ёш	8 йил	51 ёш

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқитувчилари (3-сон рўйхатнинг VII қисми)

Махсус иш стажи – камида 25 йил

Ихтисослашган тиббиёт муассасаларининг шифокорлари ва ўрта тиббиёт ходимлари (3-сон рўйхатнинг VIII қисми)

Махсус иш стажи – қишлоқ жойларда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ходимлари (3-сон рўйхатнинг VIII қисми)

Махсус иш стажи:  
эркаклар – камида 25 йил;  
аёллар – камида 20 йил

<sup>1</sup>ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори.

<sup>2</sup>МАИМКВ ва МВнинг АВ томонидан 12.03.2012 йилда 2337-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

# ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ

## «МАХСУС СТАЖ» НИМА?

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга<sup>3</sup> (бундан кейин – 252-сон Низом) мувофиқ махсус иш стажы – халқ хўжалигининг муайян тармоқларида, касблар ва лавозимларда қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолиятининг давомийлиги. Бунда «**имтиёзли» стажга қуйидагилар кирмайди:**

- болани парвариш қилиш (шу жумладан ҳақ тўланадиган) таътилида бўлган давр;
- иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил;
- академик (таълим) таътиллари;
- малака ошириш курслари, клиник ординатура (интернатура)да ўқиш вақти;
- ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ёхуд ўқиш вақти (Йўриқноманинг 27, 29-бандлари).

**МИСОЛ.** 50 ёшга тўлган аёл 28 йил тарбиявий колонияда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ишлаган вақтида у икки марта, умумий ҳисобда – 4 йил болани парвариш қилиш таътилида бўлган. Унинг махсус стажы 24 йилга (28 – 4) тенг. 3-сон рўйхатнинг VII қисмига биноан 50 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқи юзага келиши учун у 25 йиллик махсус стажга эга бўлиши керак. Тегишинча, имтиёзли пенсия тайинланиши учун у яна 1 йил ишлаши керак.

Имтиёзли пенсия таъминотида ҳуқуқ берувчи махсус стажга, ушбу имтиёзга ҳуқуқ берувчи ишдан ноқонуний бўшатирилгани учун тўланган ишга келинмаган вақт қўшилади (Йўриқноманинг 28-банди).

## Имтиёзли пенсия тайинланиши учун етарли бўлмаган махсус стаж қандай ҳисобланади?

Агар махсус стаж етарли бўлмаса, у ҳолда пенсия умумий асосларда умум-белгиланган ёшга етганда тайинланади. Бунда, 252-сон Низомнинг 39-бандига биноан, махсус стажнинг ҳар бир тўлиқ йили қуйидаги ишчиларга икки ҳисса миқдорорида қўшиб ҳисобланади:

- кон санаотидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимларга (1-сон Рўйхатнинг I қисми);
- бевосита ер ости ва очик кон ишларида (шу жумладан, кон-кутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва боғиқчилик қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимларга (1-сон Рўйхатнинг II қисми);
- ер ости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимларга (2-сон Рўйхатнинг I қисми).

**МИСОЛ.** 60 ёшга тўлган киши 7 йил ер ости ишларида ва 26 йил умумий меҳнат фаолиятида банд бўлган. 1-сон рўйхатнинг II қисмига мувофиқ у ер ости ишларида 10 йил давомида ишлаганида, 50 ёшида пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўларди. Бироқ махсус стажы етарли бўлмаганлиги муносабати билан у пенсияга умумбелгиланган ёшда чиқади. Бироқ ер ости ишларидаги 7 йил икки ҳисса баробарида, яъни 14 йил бўлиб қўшиб ҳисобланади. Унинг умумий стажы 40 йилни (14 + 26) ташкил қилади.

## Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатида кўрсатилган ишлаб чиқариш остида нима тушунилади?

Йўриқноманинг 3-бандига биноан, имтиёзли пенсия тайинланиши учун ишлаб чиқариш деганда, рўйхатларда назарда тутилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш тушунилади, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан ташкилот тўлалигича ёки унинг бир қисми (цех, участка, бўлим) шугулланиши аҳамият касб этмайди. Рўйхатларда келтирилган касб (лавозим) бўйича имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияларни фақатгина тегишли ишлаб чиқариш мавжуд

бўлгандагина тайинлаш мумкин. У мавжуд бўлмаганда имтиёзли шартларда пенсия тайинланмайди.

**МИСОЛ.** 2-сон Рўйхатнинг I қисми «Металлни қайта ишлаш» XI бўлимининг «Темирчилик-прессли ишлаб чиқариш» 2-бандига «қўл меҳнатига асосланган темирчилар» бор. Темирчилик-прессли цехи (участкаси ёки бўлими) бўлмаган ташкилотда ишлайдиган темирчи имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига эга эмас.

## Рўйхатларда кўрсатиб ўтилган қуйидаги тегишли талаблар қандай тасдиқланиши керак?

• **тегишли ишлаб чиқариш касби (лавозими)?**

Юқорида айтилганидек, рўйхатларда келтирилган касб (лавозим) бўйича имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияларни фақатгина тегишли ишлаб чиқариш мавжуд бўлгандагина тайинлаш мумкин. У бўлмаганда имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинланмайди.

• **ташкilotдаги муайян ишлаб чиқаришга нисбатан талаблар бўлмаган касб (лавозим)?**

Мазкур ҳолда имтиёзлар рўйхатларнинг тегишли бўлиmlарида назарда тутилган ишлар қайси ташкилотларда амалга оширилишидан қатъи назар қўлланилади.

**МИСОЛ.** Қўл меҳнатига асосланган электр ва газ пайвандчилар (3-сон Рўйхатнинг I қисми «Умумий касблар» XXXIV бўлими) имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига улар қаерда ишлайдиларида қатъи назар (машинасозлик заводида, темир йўл транспортида, тўқимачилик фабрикасида, металлургия заводида, квартираларни таъмирлаш билан шугулланувчи ташкilotда), агар улар тўлиқ иш куни давомида қўл меҳнатига асосланган пайвандлаш ишлари билан банд бўлгандагина, эга бўладилар.

Тегишли касб ва иш режими бўйича ишларнинг бажарилганлиги қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак: ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат таътилини бериш тўғрисидаги буйруқлар ҳамда иш ҳақини ҳисоблаш китоблари, ишларни бажариш тўғрисидаги нарядлар, иш ўринларининг аттестацияси натижалари ва бошқалар.

• **тегишли ишлаб чиқаришдаги иш?**

Касблар ва лавозимларнинг рўйхатлари келтирилмаган ишлаб чиқаришлар бўйича имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқига, касблари ва эгаллаган лавозимидан қатъи назар, ушбу ишлаб чиқаришларнинг барча ишчилари фойдаланади.

**МИСОЛ.** 2-сон Рўйхатнинг I қисми «Нефть, газ, газ конденсати, кўмир ва сланецни қайта ишлаш» X бўлимига техник углеводни ишлаб чиқаришда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ишчилар, раҳбарлар ва мутахассислар киритилган. Бинобарин, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқидан ушбу ишлаб чиқаришда банд бўлган, касби ва эгаллаган лавозимининг номланишидан қатъи назар, барча ишчилар фойдаланади.

• **касб номи?**

Ишчилар касби умумий номланиш асосида киритилган ҳолатларда, имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига ушбу касбларнинг барча номланишидаги ишчилар эга бўлишади, шу жумладан бош, катта ходимлар ва уларнинг ёрдамчилари (Йўриқноманинг 14-банди). Ишчиларга берилган касблар номи хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва иш-

чилар касблари классификаторига<sup>4</sup> мос бўлмаган ҳолда ўрнатилган ҳолатларда, рўйхатларда назарда тутилган касблар номланишига мослиги тармоқ вазирлик ва муассасалар томонидан ишлар тавсифи тўғрисидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси асосида белгиланади (Йўриқноманинг 19-банди). **Раҳбарлар ва мутахассисларнинг лавозимлари мослиги белгиланмайди.**

• **меҳнат шартлари?**

Рўйхатларда кўрсатилган муайян меҳнат шартларига нисбатан талаблар ташкилотларда иш жойларини аттестация қилиш натижалари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

## КЕЙИНЧАЛИК КЎПРОҚ ОЛГАН ЯХШИ

Мен 2002–2007 йилларда (5 йилу 6 ой) хусусий ташкилотда ишладим, бу ҳақдаги маълумотлар Солиқ кўмитасида ҳам, архивларда ҳам йўқ. Кейин бошқа фирмага ишга кирдим, бу ерда ҳозир ҳам ишлайман. 2012 йил январда пенсия тайинлашлари учун мурожаат қилдим. Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари менга меҳнат стажидан хусусий ташкilotдаги иш даврини чиқариш тўғрисида аризани имзолашим зарурлигини айтишди, мен ушбу йиллар ўртача ойлик иш ҳақини белгилаш чоғида ҳисобга олинмаслигидан умид қилиб, уни имзоладим. Бироқ охир-оқибатда мазкур йиллар барибир киритилди, бироқ улар бўйича маълумотлар йўқлиги боис, уларга доир иш ҳақи ноъл деб ҳисобланди. Пенсиямнинг базавий миқдори энг кам – ЭКИХнинг 2 баравари бўлди, бироқ талаб этилганидан ортиқча стаж учун устамалар бор. Қуйидаги саволларимга жавоб берсангиз.

1) Агар мен стажни чиқариб ташлаш тўғрисида ариза ёзган бўлсам, ушбу даврни ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китобида киритишлари тўғрими?

2) Яна 2 йил ишлаш учун тайинланган пенсиядан бош тортиш мумкинми? Ўшанда менда ҳужжатлар билан тасдиқланган 5 йиллик иш ҳақи ҳосил бўларди?

Г.Худорожко.

– 1. Пенсия жамғармаси ходимларининг ҳаракатлари тўғри. 252-сон Низомнинг 86-бандига мувофиқ ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охирги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет 5 йил учун (шундан тайинлашни сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ойлик иш ҳақи олинади. Амалдаги иш ҳақи тўғрисида маълумотнома тақдим этилмаганлиги ёки уларнинг ишончлилиги ва асослилигини текшириш мумкин эмаслиги муносабати билан иш стажига киритилмаган даврлар, шунингдек иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлиш даврлари меҳнат фаолиятининг охирги 10 йиллик даври учун амалдаги иш ҳақини ҳисоблаб чиқишдан чиқариб ташланмайди (252-сон Низомнинг 88-банди).

2. Йўқ, тайинланган пенсиядан бош тортиш имконияти қонунчиликда назарда тутилмаган.

**P.S.** Баъзан, масалан, юқорида келтирилган ҳолдагидек, пенсия тайинлаш учун мурожаат қилишни орқага суриш фойдалироқдир. Пенсияга қачон чиқиш керак деган саволга жавоб кўп омилларга: умумий иш стажы, охирги вақтда олинган иш ҳақи, меҳнат фаолияти давом эттирилаётганлиги ёки уни давом эттириш имкониятининг йўқлиги ва бошқа шартларга боғлиқ бўлади.

Баъзида 1 йил ҳам ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин. Меҳнат фаолиятининг охирги 10 йили мобайнида исталган кетма-кет 5 йиллик ўртача ойлик даромад пенсия ҳисоб-китоби учун асос ҳисобланади. Масалан, ходим фақат 4 йил яхши даромад олиб ишлаган. Ушбу ҳолда охир-оқибат ходим юқори иш ҳақи олган 5 йил иш стажига эга бўлиши учун яна 1 йил пенсияга чиқмаслик маъқул бўлади ва, тегишинча, кейин пенсия энг юқори даромаддан ҳисоблаб чиқарилади. Агар сизда тегишли ҳужжатлар билан тасдиқлаб бўлмайдиган давр бўлса, яхши иш ҳақи олинган тўлиқ 5 йил ишлаганингиз мақсадга мувофиқдир.

Пенсия тайинлашда қуйидаги умумий қоида амал қилади: пенсияга қанча илгари чиқсангиз – шунча илгарироқ уни оласиз, бироқ пенсияга қанча кеч чиқсангиз – сизга уни каттароқ миқдорда тайинлайдилар.

**МИСОЛ.** Болалиқдан ногирон болани 8 ёшгача тарбиялаган она сифатида аёл ёшга доир пенсияга 5 йилга камайтирилган ёшда, яъни 50 ёшдан чиқиш ҳуқуқига эгадир. Унинг меҳнат стажы 30 йилни ташкил этади, шундан 10 йилни талаб қилинган стаждан ор-

• **тўлиқ иш куни давомида банд бўлиш?**

Тўлиқ иш куни давомида бандлик деганда рўйхатларда назарда тутилган ишларни тегишли ишлаб чиқариш тармоқларида, иш вақти аттестациясига мос келувчи шартларда бажариш, қонунчилик билан белгиланган иш вақтининг камида 80%ида банд бўлиш тушунилади (Йўриқноманинг 7-банди). Бунда, ўз меҳнат вазифаларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида тайёрлаш, ёрдамчи, жорий таъмирлаш ишларини бажариш, шунингдек ўз иш жойидан ташқарида бўлган ишларни бажариш ишчини имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

## КЕЙИНЧАЛИК КЎПРОҚ ОЛГАН ЯХШИ

Мен 2002–2007 йилларда (5 йилу 6 ой) хусусий ташкилотда ишладим, бу ҳақдаги маълумотлар Солиқ кўмитасида ҳам, архивларда ҳам йўқ. Кейин бошқа фирмага ишга кирдим, бу ерда ҳозир ҳам ишлайман. 2012 йил январда пенсия тайинлашлари учун мурожаат қилдим. Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари менга меҳнат стажидан хусусий ташкilotдаги иш даврини чиқариш тўғрисида аризани имзолашим зарурлигини айтишди, мен ушбу йиллар ўртача ойлик иш ҳақини белгилаш чоғида ҳисобга олинмаслигидан умид қилиб, уни имзоладим. Бироқ охир-оқибатда мазкур йиллар барибир киритилди, бироқ улар бўйича маълумотлар йўқлиги боис, уларга доир иш ҳақи ноъл деб ҳисобланди. Пенсиямнинг базавий миқдори энг кам – ЭКИХнинг 2 баравари бўлди, бироқ талаб этилганидан ортиқча стаж учун устамалар бор. Қуйидаги саволларимга жавоб берсангиз.

1) Агар мен стажни чиқариб ташлаш тўғрисида ариза ёзган бўлсам, ушбу даврни ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китобида киритишлари тўғрими?

2) Яна 2 йил ишлаш учун тайинланган пенсиядан бош тортиш мумкинми? Ўшанда менда ҳужжатлар билан тасдиқланган 5 йиллик иш ҳақи ҳосил бўларди?

Г.Худорожко.

– 1. Пенсия жамғармаси ходимларининг ҳаракатлари тўғри. 252-сон Низомнинг 86-бандига мувофиқ ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охирги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет 5 йил учун (шундан тайинлашни сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ойлик иш ҳақи олинади. Амалдаги иш ҳақи тўғрисида маълумотнома тақдим этилмаганлиги ёки уларнинг ишончлилиги ва асослилигини текшириш мумкин эмаслиги муносабати билан иш стажига киритилмаган даврлар, шунингдек иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлиш даврлари меҳнат фаолиятининг охирги 10 йиллик даври учун амалдаги иш ҳақини ҳисоблаб чиқишдан чиқариб ташланмайди (252-сон Низомнинг 88-банди).

2. Йўқ, тайинланган пенсиядан бош тортиш имконияти қонунчиликда назарда тутилмаган.

**P.S.** Баъзан, масалан, юқорида келтирилган ҳолдагидек, пенсия тайинлаш учун мурожаат қилишни орқага суриш фойдалироқдир. Пенсияга қачон чиқиш керак деган саволга жавоб кўп омилларга: умумий иш стажы, охирги вақтда олинган иш ҳақи, меҳнат фаолияти давом эттирилаётганлиги ёки уни давом эттириш имкониятининг йўқлиги ва бошқа шартларга боғлиқ бўлади.

Баъзида 1 йил ҳам ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин. Меҳнат фаолиятининг охирги 10 йили мобайнида исталган кетма-кет 5 йиллик ўртача ойлик даромад пенсия ҳисоб-китоби учун асос ҳисобланади. Масалан, ходим фақат 4 йил яхши даромад олиб ишлаган. Ушбу ҳолда охир-оқибат ходим юқори иш ҳақи олган 5 йил иш стажига эга бўлиши учун яна 1 йил пенсияга чиқмаслик маъқул бўлади ва, тегишинча, кейин пенсия энг юқори даромаддан ҳисоблаб чиқарилади. Агар сизда тегишли ҳужжатлар билан тасдиқлаб бўлмайдиган давр бўлса, яхши иш ҳақи олинган тўлиқ 5 йил ишлаганингиз мақсадга мувофиқдир.

Пенсия тайинлашда қуйидаги умумий қоида амал қилади: пенсияга қанча илгари чиқсангиз – шунча илгарироқ уни оласиз, бироқ пенсияга қанча кеч чиқсангиз – сизга уни каттароқ миқдорда тайинлайдилар.

**МИСОЛ.** Болалиқдан ногирон болани 8 ёшгача тарбиялаган она сифатида аёл ёшга доир пенсияга 5 йилга камайтирилган ёшда, яъни 50 ёшдан чиқиш ҳуқуқига эгадир. Унинг меҳнат стажы 30 йилни ташкил этади, шундан 10 йилни талаб қилинган стаждан ор-

<sup>3</sup>ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова.  
<sup>4</sup>ВМнинг 20.08.2010 йилдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган.

Криминалист-эксперт ён дафтаридадан

# ЭГИЗАК АВТОМОБИЛЛАР

Криминалистика фани бир жойда қотиб турмай, суд-тергов амалиётининг эҳтиёжларига мувофиқ ривожланмоқда. Чунончи, инсон қўллари, оёқлари, турли қуроллар ва асбоб-ускуналар, тигли қурол сингариларни трассологик экспертиза қилишнинг анъанавий турларидан кўра борган сари автотранспортни тадқиқ қилиш кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат кишини ҳайратга солмайди – йўлларимизда автомобиллар сони мунтазам равишда ошиб бораётганлигини кўряпмиз. Аввало, булар сирасига турли йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги ишлар бўйича экспертизалар киради. Ҳозирда трассологлар двигателъ, шасси, асосийси – 17 белгили маркировкаси автомобилнинг асосий идентификатори (VIN-коди) ҳисобланган кузов рақамлари қайтадан зарб этилганлиги хусусида шубҳа пайдо бўлгани туфайли кўп тадқиқот ўтказишларига тўғри келмоқда. Бизда бир неча марта қалбаки давлат рўйхат рақамлари ҳам экспертизадан ўтказилди.



АГАР 20 йил аввал автомобиллар агрегатлари рақамларини йилига 1–2 марта экспертизадан ўтказган бўлсак, эндиликда амалда ҳар ҳафтада бирор-бир автомобиль двигатели ёки кузовининг, баъзан икковининг ҳам, маркировкаси (рақами)ни тадқиқ қилишимизга тўғри келмоқда. Шу боис биз ушбу объектларни тадқиқ қилиш услубиятларини яратиш ва ривожлантириш устида доим иш олиб бораёпмиз. Зеро мамлакатимизда ўзимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган янгидан-янги транспорт воситалари пайдо бўляпти. Ишлаб чиқарувчилар эса автомобиль агрегатларига маркировкалар зарб этиш технологиясини доимо ўзгартириб, такомиллаштириб бораётдилар.

Кўпинча бизга агрегатлар маркировкасини экспертиза қилиш учун эски русумдаги: енгил («Жигули», «Москвич», «Волга» ва б.) ва юк (ЗИЛ, ГАЗ, УАЗ) автомобиллари юборилади. Бироқ кейинги йилларда хорижий русумдаги, шунингдек Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларни кўп тадқиқ қилишга тўғри келяпти.

Бир мақоламда иккита «Нексия» билан боғлиқ фирибгарлик тўғрисида ҳикоя қилган эдим, унда демонтаж йўли билан янги ва эски автомобиль кузовларининг маркировкалари алмаштирилган эди. Ҳозир эса хорижий русумдаги автомобиллар билан қилинган фирибгарликлар фош этилган бошқа экспертизалар тўғрисида ҳикоя қиламиз.

МЕН аввал тадқиқ қилишимга тўғри келган дастлабки хорижий русумдаги машиналардан бири қора рангли «Тойота Прадо» бўлган эди. Ушбу автомобилнинг кузови рақами ўзгарган-ўзгармаганлигини текшириш керак эди. Ўнгдаги олд филдирак рамасига зарб усули билан тамғаланган 17 белгили идентификация маркировкасини дастлабки кўздан кечирилганда белгилари ўзгартирилганлиги аломатлари аниқланмади. Улар ўзига хос, «Тойота» автомобилларига хос бўлган конфигурацияга эга бўлиб, бир текис, суркаламай зарб этилган эди. Бироқ маркировкадаги қора бўёқнинг турлича тусдалиги эътиборимни тортди. Ушбу ранг турли тусларга: мовий, яшил, кулрангга мойил бўлиши мумкин. Тадқиқ қилинаётган маркировканинг иккинчи ярми биринчи ярмидаги мовийроқ тусдан фарқ қилиб, билинар-билинемас кулранг тусга эга эди.

Батафсил тадқиқ қилиш учун раманинг маркировкаланган участкасига кириш қийин эди. Шу сабабли биз «Тойота» автомобилларига техник хизмат кўрсатиш шохобчаси мутахассисларига мурожаат қилдик. Улар автомобилни электр кўтаргичда кўтариб, филдиракни олишди, маркировкага қараб, қатъий тарзда шундай дейишди: «Рақами ҳақиқий, ўзгартирилмаган!». Мен улар билан баҳслашиб ўтирмадим, ҳолбуки филдирак олинганидан кейин бўёқнинг турли тусдалиги яққол кўриниб қолган эди.

Тадқиқотни давом эттириш учун бўёқни эритгич ёрдамида йўқотиш керак эди. Бўёқни ювишни бошлашим билан ёнимда турган усталар ва терговчининг ўзи маркировканинг иккинчи ярми – кузовнинг 6 белгили рақами ва автомобиль ишлаб чиқарилган йилни кўрсатувчи ҳарф зарб этилган жойда бўёқ айнан «оқиб» тушганлигининг гувоҳи бўлиб, ҳайратга тушдилар. Маркировканинг биринчи ярмида эса (зона ва ишлаб чиқарувчи корхонанинг белгилари зарб этилган жойда) бўёқ, заводда ишлаб чиқарилган сифатли бўёқ бўлганлиги боис, эритгичда деярли эрмади. Бўёқ ювилганидан кейин ҳамма 6 белгили рақам участкасидаги рақамлар бегона штрихларга эгалигини кўрди.

Металлдаги олиб ташланган белгиларни электр-кимёвий тиклаш усули қўлланган чоғда эса техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ходимлари, илгари зарб этилган ва олиб ташланган рақамлар яна пайдо бўлаётганлигини кўриб, ҳайратли хитоблардан ўзларини тута олмадилар. Кузовнинг 6 белгили рақами ва автомобиль ишлаб чиқарилган йилни англатадиган ҳарф ўчирилган эди. Шу тариқа экспертиза нафақат идентификация маркировкаси ўзгарганлигини белгилашда, балки кузовнинг ҳақиқий рақами ва автомобиль ишлаб чиқарилган йилни аниқлашда ҳам терговга ёрдам берди.

ЭНДИ айнан ўхшаш автомобиллар тўғрисида сўз юритсак... Менга ҳам, бошқа экспертла-

римизга ҳам турли русумдаги кўплаб эгизак автомобилларни тадқиқ қилишга тўғри келган. Аввал иккита қора «Тойота Прадо» машинасини экспертизадан ўтказдим, улардаги двигателъ ва кузов мутлақо бир хил маркировкага эга эди. Бунинг устига, ҳатто давлат рақами белгилари ҳам бир хил эди.

Тадқиқотда маълум бўлишича, бир автомобиль кузови ва двигателининг маркировкаси заводда зарб этилган, у ҳам, рўйхат рақами белгилари ҳам ўзгартириш аломатларига эга эмас эди.

Иккинчи автомобиль тадқиқ қилинганда, дастлабки «Тойота»да бўлганидек, кузов маркировкасининг иккинчи ярмида бўёқ оқиб кетиб, унинг ўрнида автомобиль ишлаб чиқарилган йилни кўрсатувчи ҳарф ва кузов рақамининг олти рақами ўзгартирилганлигининг аломатлари борлиги аниқланди. Шунингдек дастлабки маркировка ҳам тиклашга муваффақ бўлинди. Тегишинча, ушбу автомобиль двигатели рақами ҳам ўзгартирилган эди, тўғри, металл чуқур йўниланлиги туфайли дастлабки маркировкасини тиклашга муваффақ бўлмадим. Табиийки, давлат рақамлари (олд ва орқа томонидаги) ҳам заводники эмас, балки қалбаки бўлиб чиқди.

Сал кейинроқ иккита оқ «Тойота»нинг экспертизаси ҳам худди шундай натижа берди.

Агрегатларининг рақамлари бир хил бўлган автомобилларни биз «эгизаклар» деб атай бошладик.

Лабораториямизда «БМВ»,

«Ауди», «Мерседес» эгизак автомобиллари ва бошқа хорижий русумдаги автомобиллар ҳам тадқиқ этилган. Ана шу ҳолларнинг ҳаммасида экспертлар агрегатларнинг олиб ташланган рақамларини тўлиқ ёки қисман тиклашга муваффақ бўлишди. Энг муҳими – маркировкаси ўзгартирилган автомобилларни аниқлай олдилар.

Ҳузуримизга автомобилларини миниб келиб, пиёда қайтган эгалари қай аҳволга тушганликларини ҳеч унута олмайман, чунки ишни олиб борувчи терговчи (ёки суриштирув инспектори) дарҳол айнан ўхшаш автомобилга ҳибс солар эди. Биз машиналарни фирибгарлардан сотиб олган ҳалол кишилар қай ҳолатга тушиб қолганлар! англандик. Маркировкасини уларнинг ўзлари ўзгартирмаганлар, ҳатто оддий «зарбчи» усталарнинг ҳам бунга қўли келмайди, барча ҳолларда бу юқори профессионал даражада, хорижий русумдаги автомобилларнинг аниқ турларига хос бўлган ўзига хос конфигурациядаги махсус тамғалардан фойдаланган ҳолда қилинган. Шу боис эксперт тадқиқотисиз маркировкалар ўзгартирилганлигини амалда аниқлаш мумкин эмас эди. Афсуски, на автомобиль харидори, на олдидини расмийлаштирган нотариус бундай ўзгартириш аломатларини пайқай олмаганлар.

**Ольга МАРШАНСКАЯ,**  
Адлия вазирлиги  
ҳузуридаги Республика  
суд экспертизаси  
марказининг давлат суд  
эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД КУРБОНБОЕВ  
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш.,  
Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
тел. 283-44-57  
E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru  
www.norma.uz  
Навр учун масъул:  
Нодир АлимовМуаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.  
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.  
"Норма маслаҳатчи" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс – 186 Буюртма 181 Адади 3 250. Баҳоси келишилган нарҳда  
Газета 2012 йил 23 апрелда соат 15.30 да топширилди.  
ISSN 2010-5223